



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 24-oktabr, payshanba № 130 (3323)

Бугун биз — аркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз кадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуг зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий гурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, келажак сари дадил кадам қўётган буюк халқимиз. Ислон КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун куйидагилар мукофотлансин:

«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мадазизов Бахтиёр Хамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази цикли бошлиғи

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Бахтиёр Тухтасинович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Иргашев Қобилжон Комилджонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика марказининг шахсни идентификация қилиш маркази бошлиғи

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Курляндцева Ольга Валерьевна — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлими катта терговчиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Валиев Тулкин Алмарданович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси

жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Гайназаров Улугбек Абдирафикович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Ёриев Ғайрат Равшанович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальон милиционери

Ибрагимов Рустам Кахрамонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими катта офицери

Ризаев Баҳром Бахтирович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди бўлими командири

Таштемиров Умид Махаматкаримович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Тиллаев Хайрулла Кудратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнгинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

Турсунов Юнус Сайдуллаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Тухтаев Баҳрулла Бабамурдович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Хайтов Мансур Султонбаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ахмедов Рустамжон Давлатбекович — Сирдарё вилояти Боевту тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Бекмирзаев Турсунбой Алмидинович — Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди бўлими командири

Борхўжаев Азизжон Махаматжонович — Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Каримов Ойбек Толибжон ўғли — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов бошқармаси катта терговчиси

Нуриддинов Хусниддин Джуманазарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили

Тошов Ибод Муродович — Бухоро вилояти Бухоро тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Усмонов Рўзбой Арабович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшнлари бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Шаймарданов Исмаилов Эшмирзаевич — Қашқадарё вилояти Яққабғ тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори

Шамсиев Отабек Бахронович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи

Шеров Улугбек Умарович — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди ёнгин ўчирувчиси

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Дониёр Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори

Давранов Илхом Шавкатович — Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи

Қиличев Шерзод Саъдуллаевич — Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Махмудов Шероват Салимович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг ўринбосари

Нуримов Махмуд Хазирбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Элиқалъа тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Пуллатов Латиф Азимович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

Убаев Тохиржон Кахорович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2013 йил 23 октябр

2013 йил 22 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисада жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ҳамда 2013 йил 18 январда республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

Мажлисада мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, энг аввало, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш жараёнини янада кенгайтириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий қайта ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари фаолиятини диверсификациялаш, шунингдек, аҳоли бандлигини, ҳаёти даражаси ва сифатини изчил ошириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларини самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 9,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми — 15,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 14,7 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажми — 12,4 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз микдоридagi профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Қайд этиб ўтилдики, жаҳон иқтисодиётида муаммолар кучайганлигига ва унинг ўсиш суръатлари секинлашганлигига қарамай, мамлакатни иқтисодий ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастури тизимли ва изчил амалга оширилиши тўғрисида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлиқни ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатнинг ялпи ички

Маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 9,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми — 15,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 14,7 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажми — 12,4 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз микдоридagi профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади. Инвестиция сиёсати фаол амалга оширилиши инвестиция муҳитини такомиллаштириш чора-тадбирлари билан биргаликда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 12,5 фоизга, шу жумладан, хоржий инвестицияларнинг — 12,4 фоизга ўсишига кўмаклашди. 2,2 мингта янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, 60 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳисоблаб чиқилган экспортнинг ўрни но босиш самараси 4 миллиард АҚШ доллари микдоридagi 39,7 фоизга ўсиши таъминланди. (Давоми 2-саҳифада).

Фермер хузурида

Наманган вилоятидаги аксарият фермер хўжаликларида байрам кайфияти. Теримнинг илк ҳафталааридаёқ режани ошиғи билан уддалаган Поп туманидаги «Элназар-Лутфулло» фермер хўжалиги ишчиларининг боши осмонда. — Давлатга галла топшириш режасини 120 фоизга бажариш насиб қилганди, — дейди хўжалик раҳбари Мелиқўзи Салимов. — Шукри, пахта топшириш бўйича шартномани ҳам ошиғи билан уддаладик. Назарда тутилган 31 центнер ўрнига 45 центнердан оқ олтин йиғиб-териб олдик. Қувонарли жиҳати, хўжалигимиз ташкил топгандан бундан пахта ҳосилимизни фақат 1/1 навада сотаётимиз. Табиийки, натижа ҳам кўнглидагидек. Даромадимиз чакки эмас.

Бепоеён далалар саховати

Фермер хўжалигида барча турдаги чопиқ тракторлари ва тиркамалардан ташқари, автобус ва енгил машиналар мавжуд. Бундан ташқари, ҳар бир ишчи (далага қатнаши учун) велосипедлар тарқатилган. Уларни турли байрамларда рағбатлантириш, маошларини узулқисиз бериб бориш билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам тизимли йўлга қўйилган. — Фермер хўжалиги тармоқ касаба уюшмаимиз аъзоси. Шунинг учун ҳам бу ердаги шарт-шароит билан доим танишиб борамиз, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Поп туман кенгаши раиси Ҳамидхон Ҳамидов. — Шийонда ишчилар учун овқатланиш, дам олиш, ювиниш, кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Уларнинг иш шариоитидан ташқари, оилавий аҳоли ҳам фермернинг назаридан четда қолмайди. Дарвоқе, бир ҳафта аввал теримчиларга УЗКУФ совғалари тарқатилганди. Бугун эса туман мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Дилшод Деҳқонов пахтакорларга «Хорманг» дейишга келди. Албатта, қуруқ қўл билан эмас.

Мелиқўзи Салимов номини нафақат туманда, балки вилоятда ҳам айрича ҳурмат билан тилга олишлари бежиз эмас экан. Зеро, ишнинг кўзини билгувчи ҳар бир инсон ана шундай эъзозга лойиқ. Фикримизни уққандек, фермер ўз ҳикоясини бошлади: — «Бу кунларга етказганига шукур. Мен бир вақтлар савдо ташкилотларида ишлаб, шу орқали тирикчилик қилган кишиман. Ер экиб, ундан фойда олиш ҳақида орзу қилардим-у, ammo бунинг ҳеч қачон иложи бўлмас экан, деб ўйлардим. Бугун эса нафақат менинг, барча юртдошларимизнинг орзуси ушалмоқда. (Давоми 2-саҳифада).

Тарихингдир минг асрлар...

Истиқлолдан мунаввар маскан

Ақл-заковатда бемисл бўлган бобокалонларимиз дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшишган. Мана, неча асрларки, улар қолдирган буюк илмий мерос катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Таассуфки, узоқ йиллар ушбу бебаҳо маънавий бойлиқдан қарийб бебаҳра қолдик. Юрт истиқлоли нафақат эркимизни, ана шундай боболаримизни, ўзлигимизни қайтариб берди. Бугун кўкракни кериб, гурур ва фахр билан бу ҳақда сўзлай оламиз.

Оқтов этагидagi қишлоқда ҳокисор бир инсон яшайди. Касби чўпон. Бир умр эл чорвасини боққан. Еши олтишдан олганда фарзандлар қистови билан сафарга отланади. Қичонлардир келиб ўзи майиз сотган «Сиб» бозорини излайди. Айтиб беришича, гичирлаб турган ёғоч кўприқдан ўтиб, бозорни оралаб кетгани ёдида. Бир ёнда базозлар, балиқфурушлар, қалишфурушлар унга «саройни» кўрсатиб юборган экан. Уша ерда бир кеча тунаб, сўнгга қишлоқга қайтган. Мана, яна туз тортиб шаҳарга келибди. Автобусда ҳамроҳлик қилиб, ўзини Абдусамд бобо дея таништирган бу қария нақд юз қақиримлик йўлда ҳеч кимга гап бермади. Самарқанд автошохбекатини, равон кўчаларини, муҳташам иморату янги кўчаларининг таърифу тавсифини келтирдик, гўёки у кишидан бошқа одам бу ерда бўлмаган. Абдусамд бобо бир зум тин олади, ўйга ботгандек бўлади. Шукур, шукур, деб қўяди. (Давоми 2-саҳифада).



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолияти йўлидаги маъмурий тўсиқларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш йил бошидан буён 21,2 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга, кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 15,2 фоизга ўстиришга ва ушбу секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 51,2 фоизгача кўпайтиришга қўмаклашди.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ишқини яхшилаш бўйича «Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирларини фаол амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди. Дастур тадбирларини амалга оширишга барча манбалар ҳисобига 5,6 триллион сўмга яқин маблағ ва 250 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Мажлисда 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилишининг бориши муҳим устувор вазифа сифатида батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2013 йилнинг ўтган 9 ойида 833,4 мингта янги иш ўринларини ташкил этиш таъминланди, улардан 488 мингтадан ортиғи ёки 58,6 фоизи қишлоқ ҳойларда ташкил этилди.

Муҳокама давомидики кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари табирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишга йўл қўйган камчиликларни учун республиканинг бир қатор туманлари ҳокимларининг фаолияти қаттиқ танқидий муҳокама қилинди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, тижорат банклари, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари олдиға аҳоли бандлигини таъминлаш ва қўшимча янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Бунда етакчи тижорат банклари-нинг ўз маблағлари ҳисобига замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, банкорт қорхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва янги иш ўринлари яратиш учун инвестицияларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомидики Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2013 йил 8 августдаги ПҚ-2022-сон қарорига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини рағбатлантириш бўйича қўрилайтган чора-тадбирларға алоҳида эътибор қаратилган ҳолда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ишларининг ҳолатини ҳар томон-

лама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан амалга оширилайтган тизимли чора-тадбирлар туфайли, экспорт қилинадиган маҳаллий маҳсулотларнинг асосий турларига нархлар ноҳуш ўзгариб туришиға қарамай, шу йилнинг ўтган 9 ойида экспорт ҳажми 13 фоизга ўсганиги ва ташқи савдо айланмасининг катта ижобий салҳоси таъминлангани қайд этилди. Йил бошидан буён олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 469 корхона экспорт фаолиятиға жалб этилди. Экспортнинг умумий ҳажмида минтақавий корхоналарнинг улуши икки мартаға кўпайиши таъминланди. Экспортнинг умумий ҳажмида кичик бизнеснинг роли ва аҳамияти барқарор ўсиб бормоқда. Унинг улуши 2012 йилнинг шу давридаги 13,5 фоиз ўрниға 19,1 фоизгача ўсди.

Ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспортға етакчи бериладиган маҳсулот турларини кенгайтиришнинг мавжуд заҳираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш ишларини кўнайитиш зарурлигиға қаратилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жағмараси фаолиятини ташкил этиш ва тўлиқ фаолият юритишни жадаллаштириш топширилди.

Мажлисда келгуси йилларда қурилишнинг ўсиб бораётган ҳажмини таъминлаш учун пудрат қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан қўрилайтган чора-тадбирларнинг натиждорлигини ҳар томонлама кўриб чиқиш ва батафсил таҳлил қилишға диққат-эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш, намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли кейинги йилларда қурилиш ишлари ҳажми жадал ўсиши таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан 19,2 фоизға кўпайди.

«Давархитектурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлариға вилоятларда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг молиявий ҳолатини ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун республика Ҳўкуматиға киритиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигиға Молия вазирлиги билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктла-

ри фаолияти самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш асосида қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти аниқ нормативларини ишлаб чиққан ҳолда қишлоқда тиббий хизмат кўрсатиш тизими янада яхшилаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасиға киритиш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, турар жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг куз-қиш давриға тайёрлиги ҳолати, шунингдек, 2013-2014 йиллар куз-қиш давриға мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка гамлаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, «Ўзбекқўмир» акциядорлик жамияти, шунингдек, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва турар жой фонди объектлари 2013-2014 йиллар куз-қиш давриға тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатишини, шу жумладан, газ-транспорт ва энергия таъминоти объектларининг барқарор ишлашини, табиий газ, қўмир ва электр энергияси узлуксиз етакчи берилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлигиға қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлариға мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда гамлаш тўғаллашни тезлаштириш, шунингдек, ички бозорда улар нархининг асоссиз ошиб кетишиға йўл қўймасдан аҳоли эҳтиёжини барқарор ва ишончли қондириш учун қиш-баҳор даврида сақлашға қўйилган заҳиранинг савдоға тизимли қўйилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисда йиғим-терим бўйича қишлоқ ҳўжалиги ишларини тўғаллаш, қузғи бошоқли дон экинларини ўстириш ва кейинги йил ҳосили учун комплекс агротехника тадбирларини амалга ошириш ишларининг ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишға алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилда сув билан боғлиқ шароитлар жуда мураккаб бўлганилиға қарамай, агротехника тадбирларининг барча мажмуини ўз вақтида ўтказиш, суғурма сувдан оқилна фойдаланиш ҳамда қишлоқ меҳнатчиларининг омиқкорлиги жорий йилнинг 1 октябриға 1,97 миллион тонна пахта хом ашёсини еттиштириш ва йиғиб олиш имконини берди, 21 октябриға келиб эса — пахта хом ашёси бўйича давлат буюртмаси прогнози баҳарлиши таъминланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, тегишли ҳўжалик бирлашмалариға пахта ҳосилини йиғиштириб олишни жадаллаштириш, қузғи шудорлаш, қузғи бошоқли дон экинлари экиш ва уларни ўз вақтида суғуриш, шунингдек, шўрланган ерларни ювиш, қоллектор-дренаж ва суғуриш тизимларини тўғаллаш гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш тадбирларини амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, республикадаги йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сузға чиқдилар. Республика Ҳўкумати мажлисиға киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашға ва келгуси йилда республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли қарорлар яратишға доир аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Биз ҳам бир ёндан

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 23 июлдаги «2013 йил пахта йиғим-терими мавсумиға тайёргарлик кўриш, далада ишлаётган механизаторлар, сувчилар, ишчилар ва теримчиларға шарт-шароитлар яратиш, мавсум даврида болалар меҳнатидан фойдаланмаслик чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилайтган ишлар меҳнаткашлар манфаатини ҳўмоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Шовот туманидаги «Шовот Ислон Шариф» фермер ҳўжалиги республикада биринчилардан бўлиб, давлатта пахта топшириш шартномасини бажарди ва Президент совғасини олишға муваффақ бўлди.

— Тажрибамдан англаганим шу бўлдики, муваффақиятға эришиш учун қўл остингдаги ходимларға муносиб иш ва дам олиш шароити яратиб бериш керак, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Шарифбой Худойберганов. — Шу боис меҳнаткашлар манфаатини қўллаб қабул қилинаётган қарорларни иш берувчи сифатида ўз вақтида амалға татиб этишға ҳаракат қиламан.

Савй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ҳўжалик далаларида замонавий дала шийпонлари ташкил қилинди. Ҳар кун шийпонларда теримчиларға тушлик тайёрлаш йўлга қўйилди.

Қасаба уюшмалари томонидан теримчиларға муносиб иш шароити яратиш билан бирға, уларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш юзаси-

дан амалға оширилайтган чора-тадбирлар барчани мамнун этмоқда. Ҳар кун кечқурун ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда дала шийпонларида шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирокида давра суҳбати, концерт дастурлари ташкил қилинаётди. Бу теримчиларнинг ғайратига ғайрат, шижоатиға шижоат қўшмоқда.

Яқинда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан илғор теримчиларға қимматли совғалар ажратилиши меҳнаткашларни янада хурсанд қилди. Биргина Хоразм вилоятида 1200 нафар илғор теримчиға 54 млн. сўмликдан зиёд совғалар топширилди.

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА, «Ishonch» муҳбири

Навоийлик деҳқонларнинг кайфияти чоғ. Улар давлатта пахта сотиш шартнома-режасини шараф билан адо этишди. Шундай бўлса-да, далада пещона тери-блан яратилган ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари қузғун даври эътирилмоқда.

Фаол теримчи ва ҳашарчилари рағбатлантириш борасидаги ишлар эътирофға лойиқ бўлиб, Федерация Кенгаши томонидан ажратилган совғалар ўз эгаларига тарқатилди. Сафарбарлик ишларида Навоий электротехника заводи, вилоят «Нефтбазас» унитар корхонаси, Алоқа хизмати, «ХЭТК» ОАЖ ходимлари фаол улуш қўшиб келишмоқда. Бирлашма фаоллари томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари улар ҳузуринда бўлиб, ўзларининг илиқ сўзлари, эсдалик совғалари билан қўллаб-қувватлашаётди.

Илғор теримчилар билан бирға, биринчилар қаторида давлатта пахта сотиш режасини бажарган фермер ҳўжалиги вакиллари ҳам муқофотланаётди.

Тўлқин ЎСАРОВ, Навоий вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ишлар бошқаруви бўлими мудир

Ҳашарчилар «оқ олтин»ни имкон қадар тезроқ териб олиш ниятида астойдил меҳнат қилишаётди.

Жойларда қасаба уюшма қўмиталари корхоналар маъмурияти билан ҳамкорликда теримчиларнинг унумли меҳнат қилиб, дам олиши учун етарли шароит яратиш, маданий-машиий, савдо ва тиббий хизмат кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Дала шийпонларида алоҳида тиббий хоналар ташкил этиш, озик-овқат маҳсулотларининг сифати, ичимлик суви, тозаланиб ва бошқа санитария ҳолатлари қатъий назоратта олинган. Ҳар 5-10 кун якуниға кўра, илғор теримчилар аниқлашиб, эсдалик совғалари билан рағбатлантириб борилаётди.

Шу кунларда «Максам-Чирчиқ» ОАЖнинг 3 мингдан ортиқ ишчи-хизматчиси Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ тумани деҳқонлариға пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан териб олишда кўмак беришмоқда. Теримчиларнинг маданий-маънавий ҳордиқ чирчиши учун «Кимёгар» маданият саройи ходимлари томонидан концерт, театрлаштирилган дастур тадбирлари, ҳужжатли ва бадий филмлар намойиш этилмоқда.

«Фаргонаазот» ОАЖ ходимлари ҳам Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани-

даги пахтакорларға ҳосилини йиғиб олишда ёрдам кўрсатишмоқда. «Азотчилар гуруҳи қўмакқа келгандан буён ҳўжалигимиз ва туманимиз пахта хирмониға барка қилиб қолди», дейди «Абдулхай-Қатортол Файз» фермер ҳўжалиги раҳбари Абдулхай Қўчқоров. «Деҳқонбод калий ўғитлар заводи» УКнинг 500 дан ортиқ ходими Қашқадарё вилоятининг Қасби ва Жиззах вилоятининг Арнасой туманлари пахтакорларига мададға отланишди. Ҳашарчилар терим суъратини қундан-қунга оширмоқдалар. Уларнинг мазмуни дам олиш учун вилоят мусиқали драма театри актёрлари ва санъаткорлари билан учрашув, концерт дастурлари мунтазам ўтказиб борилаётди.

«Аммофос-Максам» ОАЖнинг мингдан ортиқ ходими Тошкент вилоятининг Пискент ва Жиззах вилоятининг Арнасой туманларида йиғим-теримда жонбозлик кўрсатишяпти. Қуни-кеча улар орасидан навабдаги ўн қунликнинг энг илғорлари рағбатлантирилди.

М.ХАЛИЛОВА, Кимё соҳаси бўйича республика БКУК раиси

Кўнглида ватанпарварлик ҳисси жўш урган ҳар бир киши даладаги қимматбахо бойлигимизни ёгин-сочинли кунларға қолдирмасдан йиғиб-териб олиншидан манфаатдор. Айни пайтда Нишон тумани пахтакорларига яқиндан қўмак бераётган ҳашарчилар ҳар бир кундан унулли фойдаланиб, теримда пещақамлик қилишаётди.

Туман табиийёт бирлашмаси, халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, шунингдек, Чирочи, Қамаш, Китоб туманларидан келган ҳашарчилар меҳнати алоҳида эътироф этилаётди.

— Айни пайтда 1122 нафар ҳашарчи нишонлик фермерларға яқиндан қўмак-лашмоқда, — дейди Чирочи туман табиийёт бирлашмаси бўлим бошлиғи Худойберди Бойбўтаев. — Бу ердаги 12 та отряддан 11 таси теримда қатнашса, 12-отряд шифокорлари ҳашарчиларға тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Қуни кеча ҳудуддаги теримчи-ҳашарчиларни вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тақдирлашға бағишланган тадбир ўтказилди. Совғаларни Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Дилбар Тўхтаева ҳамда туман ҳокими Мухтор Ҳайитмуродов топширди.

Нишон туманида пахта тераётган ҳашарчиларға 8 миллион 600 миң сўмликдан ортиқ совға тақдим этилди.

Туман ҳокимлиги ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан ташкил этилган маданий тадбирларда иштирок этаётган ҳашарчиларнинг ҳар бир кун мазмуни ва мароқли ўтмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ

Бепойён далалар саховати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўтган асрнинг миёнасида бугунги кўнган кишилар жуда яхши билишди: пишган гиштан солинган уй битта қишлоқда ўрта ҳисобда битта ёки иккита бўларди. Ушарям бўлса, сифатсиз товарлар билан тўлдирилган магазин ва колхоз идораси эди. Агар бирор киши уй кўтаришда гувала ва ёғочдан бошқа нарса ишлатса, миң битта эшикка ҳисоб берарди. Бугун-чи? Қишлоқлардаги намунавий уйлар қайси шаҳарниқидан кам? Мен ҳам ҳавас қилиб, икки ўғлимға иккита ана шундай уй-жой харид қилдим.

Оиламизнинг деярли ҳар бир аъзосида ўзимизда ишлаб чиқарилган автотомобиллардан бор: «Matiz», «Damas», «Sartiva», «Malibu». Далачилик: панароқ ерда тўхташиб, пайкал оралаб ярим туңда қансизнинг ҳам бешикка турган бўлади. Собиқ тузум даврида-чи? Тўртта баллон ўрниға туңка қўйиб, гилдираклари ечиб кетишганларини кўрганми. Қидиришдан ёхуд тегишли органларға шикоят қилишдан фойда йўқлигини ҳамма яхши биларди.

Бугун эса осуда туңларда хотиржам уйкуми бор. Ҳар кунлик ибодатимизни ҳеч қандай ҳадиксиз амалға ошира оламиз. Таълим, тиббиёт муассасаларимизнинг гўзаллигини айтмайсизми? Қонун доирасидаги ҳар қандай фаолият учун кенг йўлни очиб бераётган тузумимиз ва унинг ижодкорига умрбоқийлик тилайман. Бу менинг ўз хаёлидан рози бир ватанпарвар сифатидаги сўзиминга эмас, шу юртдаги яхши кунлар шарофати билан муқаддас шаҳарларимизда ҳожилик амалларини бажариш бағтиға сазовор инсон сифатидаги дуоим ҳамдир.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Сафардаги энг савобли ишим ҳазрат Имом ал-Бухорий қадимжоси зиёрати бўлди, — дейди отахон. — Бу қулғу маскани дунёнинг ҳамма еридан келиб зиёрат қилишяпти. Унинг ободлигидан қўз қувонади.

Отахоннинг гапларини барча маъқуллади. Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан бундан ўн беш йил илгари Имом ал-Бухорий қадимжоси тубдан қайта қурилди. Бу масканға олиб борадиган йўллар атрофи ободонлаштирилди. Тўрт гектарни қамраб олган майдонда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари бажарилди. Ҳазрат мақбараси устида 14,5 метрли гумбаз ҳамда аънана-

Истиқлолдан мунаввар маскан

вий ўймакорлик услублари қўлланилган муҳташам айвон барпо этилиб, юртимиздаги уста нақошлар томонидан безатилди. Бунёдкорликка бош-қош бўлиб бутун маҳоратини ишға солган, мажмуани халқимиз диниға мос, миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда бунёд этган меъмор, нақош, кошкор усталарнинг икки нафари — самарқандлик Мирмурад Асадов, марғилонлик Абдуғани Абдуллаев «Ўзбекистон Қаҳрамони», Насрулло Соҳибназаров ҳамда Саидали Мирзаев «Ўзбекистон халқ устаси» унвонлариға сазовор бўлишди.

Мажмуға кирибкок нигоҳлар қадимий ҳовуз ва унинг атрофидаги қўкка буй чўзган чинорлар салобатидан энтикади. Ичкари ҳовлидаги ажойиб яшиллик, қаштан ва дуб дархатлари барқ уриб ўсяпти. Мажмуада ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари қўлами йилдан-йилға ортиб бораёпти. Хусусан, амалдаги йилда ландшафт меъморчилигиға монанд ўч гектарли ҳовлида турфа атиргулар ўрнида яшил майсазорлар яратилди. Ариқларға бош эккан мажнун-



толлардан баҳра олиш, гўзаллиқни туйишға имкон яратиш мақсадида ўрдиндилар ўрнатилди. Бог мажмуа ўртасида кўркан ҳовуз жозибаси рангли фавворалар билан уйғунлаштирилди.

Ҳадис илми сўлтони бўлган буюқ бобокалонимиз ислом оламида улкан мавқега эгаллиги ҳеч кимға сўз эмас. Шу боис ҳам бутун олам мусулмонлари Имом ал-Бухорий ҳоқиқий тавоф қилиш, зиёрат қилишға интиқ. Мажмуада сақланаётган Қуръони Карим, ҳадислар тўплами, буюқ олимнинг «Ал-жомъе ас-саҳиҳ» китобидан кўчирилган ноёб нусхалардан барча баҳра олиши мумкин.

Мамлакатимизда бой маданий меросни ўрганишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз орасидан етишиб чиққан алломалар, ҳадисшунос олимлар қолдирган ишлар ўз кадрини топяпти. Бу борада Юртбошимизнинг 2008 йил 23 майдаги қарори асосида Имом Бухорий Халқаро марказининг ташкил этилиши мазкур йўналишдаги ишларни муттаъсил ривожлантириб келмоқда. Табаррук масканға ташриф бую-

ЎЗА

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

Ушанда баҳорнинг саррин шамоли эсаётган, борлиқдаги яшариш, янгиланишлар кўнгилларга сурур бағишлаётган паллалар эди. Кўркем боғдаги мажлисда сўзга чиққан Отаназар Курбонбоевнинг шеъри барчининг қалбига жойланди.

Ватан — зар тупроғим, тиниқ осмоним, Қайрилмас қанотим, буюк имконим, Яшнаган боғ-роғим, гўзал бўстоним, Сенсан жон мулкида қутлугъ жаҳоним, Бахтим, шараф-шоним Ўзбекистоним!

қобилияти бор, — деганди тенгдошларига. Устози, узоқ йиллар 22-мактабга директорлик қилган Абдулла Отабоев эса: — Отаназарда етакчилик хислати бор, у кўпчиликка бош бўлади, — деган фикрini айтди. Йиллар оқар сув мисоли ўтавер-

«Кўп ўқиган кўп билади, тафаккури кенгайди», деб уқтирарди. 2008 йилда Агроевнинг мажмуи ходимлари касабга уюшмаси туман кенгаши лавозимига сайланган, кўпгина хайрли ишларга бош бўлди. Аввало, аъзолар билан яқин муносабат, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Тумандаги нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотлари билан бирга маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш, тарғибот ишлари олиб боришга алоҳида аҳамият қаратди. Обод турмуш йилида бажариши

бизга яқин дўст, ҳамкор, ҳаммаша ҳолимиздан хабар олиб, муаммоларимизни хал қилишга ёрдам беради. — Ўзда Отаназар жуда кўп савоб олди, — дейди меҳнат фахрийси, узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаган Отабой Йўлдошев. — У биз каби кексаларни мамлакатимизнинг қадимий шахарларига савҳатга олиб борди. Олам-олам таассуротлар билан қайтди. — Умридан барака топсин, — дейди «Куромбой-Уртаёв» фермер хўжалиги иш юритувчиси Богбе Пиров. — Ўздаги савҳатимизнинг таассуроти умримизга татийди. Отаназар, шунингдек, Хоразм воҳасидаги кўҳна қалалар, шу жумладан, Хивага қайта-қайта савҳат уюштирди. Кўнгилмиз гурурга, нурга тўлди.

О. Курбонбоев дунёни ўзгача фалсафа билан англайди. — Кўнгилда эзгу ҳислар ҳукмрон бўлган инсон фақат эзгуликларга қўл уради, — дейди О.Курбонбоев. — Обод турмуш йилидан кўзланган мақсадимиз ҳам қисқача шу. Инсонларни хайрли ишларга ундаш, ибратли ном учун курашиб яшашга йўналтиришдир. Ватанини севайлик, ардоқлайлик, бойликларига бойлик кўшайлик.

Кўллаб шеърлари матбуот юзини кўрган, қатор китоблар муаллифи ҳисобланган қаҳрамонимиз вилоят, туманда яхши ижодкор сифатида танилиб улгурган. Ватан ҳақида, аждодларимиз ҳақида шеърлар ёзишни хуш кўради. Истиклолни қувониб-қувониб куйлайди; Сен дахлсиз яша, эркин шод яша, Умринг боқий бўлсин асрлар оша, Эллар ҳавас қилсин сен кирган ёшга, Ибрати, имкони тўлиқ истиқлол, Орзуларга кучсан, улугъ истиқлол!

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА, Кўшкўпир тумани

Меҳр-эътибор қалбга қувватдир

Бундай бугдой сўзлар кимни ҳам бефарқ қолдирарди? Шу кунги мажлисда бошқаларнинг гаплари бир тараф-у, Отаназарнинг қисқатгина маърузаси ва шеъри бир тараф бўлди. — Богимнинг чеккасида экилмай турган ярим сотихча ер бор эди, — дейди «Нурулла» боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Нураддин Маширипов. — Уша ерни қайтадан тахлатиб ниҳол ўтказдим. Икки йил олдин экиб кўқартирган ниҳолларимдан ортганини қишлоғимиздаги ёш оилаларга бепул тарқатдим. — Дала четларини бўш, қаровсиз қолдириш гуноҳ, — дейди «Хамрох» фермер хўжалиги раҳбари Бектурди Ортиқов. — Бугун тупроққа тушган уруғ эртага ризқ-насиба бўлади. Кўпчиликнинг қозонини қайнатади. Отаназар ақининг сўзлари ҳар биримизнинг иш фаолиятимиз, фикримизга таъсир қилди. — Отаназар болалигида тенгқурлари кўчада қўраб ўтаётган эди, тасодифан қўриб қолган отаси: — Уғлим келажақда ўқитувчи бўлиши керак, тарбиячилик, педагогликка

ди, ўтаверди. Хоразм вилоят, Кўшкўпир тумани Хосийн қишлоғидаги 22-мактабни аъло баҳоларга тугатган Отаназар кўп ўтмай Тошкент шаҳридаги рус тили ва адабиёти институтининг талабаси бўлди. У жаҳон адабиёти намояндаси асарларини мутулаа қилди, шеърини унинг кўнгил мулкига айланди. Олий ўқув юртини тугаллаганидан сўнг, даставвал ўзи ўқиган мактабда ўқитувчи, директор ўринбосари, туман газетаси муҳбири каби вазифаларда ишлади. 1992 йилдан 2008 йилгача эса 22-мактабга директорлик қилди. — Отаназар ака дарсдан сўнг тўғрақлар фаолиятини жонлантиришга катта эътибор қаратарди, — дейди шоғирдларидан бири Нилуфар Ортиқова. — Тўғрақлар иқтидорларини танлаш ва тарбиялашга ёрдам беради, деб ҳисобларди. Мухими, ўз тажрибасидан келиб чиқиб, ўқувчиларни бадиий асарларни кўпроқ мутулаа қилишга чорларди.

лозим бўлган ишлар ҳақида режа тузар экан, ободлик аслади кўнгилдан бошланиши, кўнгилларни безаб яшаганлар ҳаётда асоқ кам бўлмаслиги, аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар дунёқарашини кенгайтириш масалаларини энг муҳим иш, дея белгилаб қўйди. Аъзолар билан ишлаш, муаммоларини ўрганиш, иш шароитини яхшилаш, савҳат уюштиришга аҳамият қаратиш ҳаммаша унинг диққат марказида бўлди. Бугунги кунда тармоқ ходимлари касабга уюшмалари Кўшкўпир туман кенгаши аъзолари 14 мингдан ошди. Аъзо бўлиш истагини билдираётганлар ҳам кўп. — Туман ҳудудини ободонлашгани, кўкаламзорлар кўпайганига касабга уюшма кенгаши раисининг ҳиссаси катта, — дейди «Барақа» фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Бобоҷонов. — Изчиллик билан тарғибот олиб боргани, аъзолар билан фаол ишлагани ўз самарасини берди. У

Қайси соҳада бўлмасин, мавжуд имкониятдан унумли фойдаланилса, қутилган натижага эришилади. 1978 йилдан бунён-самарали фаолият юритиб келаётган «Термиз паррандачилик фабрикаси» маъмулияти чекланган жамияти мисолида бунга яқол амин бўлиш мумкин. Корхона аҳолининг парранда маҳсулотларига бўлган эътиҳини қондириш мақсадида ишлаб чиқаришни ривожлантириб келаётди. Ҳозирда жамиятнинг идораси, товук боқилаётган бинолари қайта таъмирланди. Парранда парвариши қилинадиган агрегат линиялари Украинадан келтирилган ускуналар билан алмаштирилмоқда. Бунинг учун 275 минг АҚШ доллари сарфланди.

Манфаатдорлик бор жойда...

Қайта қурилган ва замонавий технология асосида жихозланган биноларда боқилаётган товуклардан кунига 150-180 минг донагача тухум олинмоқда. Маҳсулот вақтида да сотилиб, қорхона иқтисоди янада юксалаётди. Ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич янгиланиши қатор қулайликларни яратди. Аввало, ишловчиларнинг меҳнати енгиллаштирилди. Товуқоналардаги жаҳон талабига жавоб берадиган вентиляция кондиционерлари ҳавонинг тазолаб, атроф-муҳит ифлослиниги йўл қўйилмаётди. Бино ичидаги ҳарорат бир маромда сақланади. Ҳозирда иккинчи товукхонада хориж ускунаси ўрнатилиш арафасида. Янгиланиш тўлиқ амалга ошган, бу ердаги барча жараён компьютерда боқарилади. Хусусан, паррандаларга озуқа, сув бериш, тухумларни йиғиштириб олиш, шу билан бирга, уларнинг чиқиндиларини тазолаш юмушлари шулар жумласидан. Мухими, маҳсулот етиштиришни тўхтатмаган ҳолда модернизация ишлари олиб бориламоқда.

қўмитаси раиси Норменгли Пардаев. — Жамоа шартномага асосан, иш ҳақи ишловчининг малакасига қараб тўланади. Уртача ойлик маош миқдори 450 минг сўмдан ошади. Байрамларда ҳар бир ишловчига 3 кг. гўшт, 60 дона тухум бепул берилади. Ҳар бир навбатда улар бепул иссиқ овқат билан таъминланади. Корхонамизда меҳнат муҳозазасига қатъий амал қилинади. Ишловчиларимиз ёз ва қиш мавсуми учун махсус кийим билан таъминланган. Ҳар кун ишчиларга 0,5 литр миқдорда сут ёки қатиқ маҳсулотлари берилди. Ҳар бир цехда ювинчи жойлари мавжуд. Ишловчиларнинг ишга келиб кетиши учун махсус автобуслар ташкил этилган. Ҳар чоракда меҳнатда ўрнат қўрсаткичларга касабга уюшмаси ҳисобидан рағбатлантириш жойи қилинган. Тўй ва бошқа маросимларда бир ойлик маош миқдорига ёрдам кўрсатилади. Ҳар йили ишловчилардан бир гуруҳи республикамизнинг «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Семур» каби сиваҳтоҳларига соғлигини тикласа, жажжи болажонларимиз эса воҳанин мафтуноктор тоғ ёнбағирларидаги «Вахшвор», «Мироб», «Сурхон» оромгоҳларида мириқиб дам олишади. Яқинда илғор ишчилардан Хуршида Турсунова, Сабо Худойбердиева, Дилфуза Жўраеваларга маъмурият ва касабга уюшмасининг қимматбахо совғаларини топширди.


— Доим шу ердан тухум харид қиламан, — дейди ангорлик Эсон Мардонов. — Аввало, улар бошқаларникига нисбатан йирик, сифати ва мазаси ҳам яхши. Тухумнинг нарҳини арзонлаштириш мумкин экан-ку! Бунинг учун, аввало, бу соҳада меҳнат қилаётганларга раҳмат. Термизнинг «Барчиной» бозоридаги тухум расталарини ҳам кўздан кечирдик. Бу ерда ҳам паррандачилик фабрикасининг маҳсулотлари сотилмоқда. Харидорлар билан суҳбатлашиб, уларнинг нарҳ-наво тўғрисидаги фикрлари билан қизиқдик. — Парҳез маҳсулотларининг инсон организмига фойдаси катта, — дейди врач Алишер Одилов. — Тиббиёт меъёрларига қара, бир киши йилига 250 донагача тухум ейиши керак. Шундай экан, аҳолига етарли даражада ва арзон нарҳда тухум етказиб берилиши лозим. Ҳозир бозорларда хоҳлаган нарҳез маҳсулотлари бор. Уларни янада арзонлаштириш учун маҳсулот етиштирувчилар орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш зарур.

— 320 минг парранда парваришалаймиз. Бунинг 190 минг хўжалик. Айни пайтда битта товукхона биносини тўлиқ хориж технологияси асосида жихозланган, — дейди жамият бош директори Холмаат Нормуродов. — Барча қурилиш ишлари якунига етгач, имкониятимиз икки баравар ошади. Дарвоқе, жамиятда 300 киши икки навбатда меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 120 тоннадан ортиқ гўшт, 50 млн. донага яқин тухум етиштирилди. — Ишловчиларнинг меҳнатига яраша манфаат кўраётгани ҳам ютуқларимиз омили ҳисобланади, — дейди жамият касабга уюшмаси


Шундай юқори унумли, замонавий корхоналарнинг бунёд этилиши бозорларни маҳсулот билан тўлдириб қолмай, янги иш ўринларини ташкил этиш, одамларга қулай ва замонавий меҳнат шароитини яратиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини оширишга, кўнгилларнинг ободлигига хизмат қилади.

Айни пайтда корхона маҳсулотлари Кумкўрғон, Жаркўрғон, Ангор, Шеробод, Музрбот, Қизирлик каби туманлар бозорларида савдо мириқиб дам олишади. Яқинда илғор ишчилардан Хуршида Турсунова, Сабо Худойбердиева, Дилфуза Жўраеваларга маъмурият ва касабга уюшмасининг қимматбахо совғаларини топширди. Кейинги пайтда вилоятнинг бозорларида тухумнинг нарҳи арзонлашди. Бунда, албатта, Термиз паррандачилик фабрикасининг муносиб ҳиссаси бор. Вилоят марказида жамиятга ажратилган савдо растасида тухум бир мунча арзон.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» муҳбири



Кува туманида бу йил 87 та намунали лойиҳалар асосида уйрилиб ўз эгаларига топширилди.



Айни пайтда Пахтаобод массивида 18 та ана шундай уйлорнинг 9 тасини «Қафолат» ишлаб чиқариш кичик корхонасининг қўли гул қурувчилари қуришмоқда. Корхона жамоаси ўтган йили 8 та намунали лойиҳа асосидаги уйлорни сифатли қуриб, аҳолининг олқишига сазовор бўлишган эди. Кува шаҳрида бунёд этилаётган «Буюм бозори» ҳам тез кунларда ишга тушади.

Суратда: корхонанинг илғор қурувчилари Муроджон Мамажонов ва Сойибжон Нурматов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар

Қафолат» ДАСК (ОАЖ) жисмоний шахсларга суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича республикадаги етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Бундай натижага эришишда жойлардаги 150 дан зиёд бўлиналарнинг ҳиссаси бор. Айни вақтда 80 га яқин суғурта хизматлари тақлиф этилаётди. Шундан 30 фоиздан ортиги бевосита аҳоли учун мўлжалланган бўлиб, қулай, пайсайтирувчи коэффициентларни қамраб олган, томонлар манфаатларига тўла мос келувчи суғурта турларидир. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида (аҳоли билан) 365,4 мингта суғурта шартномаси имзоланди. Тақдим этилган суғурта хизматлари ҳажми 1971,2 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этиб, келиб тушган муқофотлар миқдори 8600,2 млн. сўмга етди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта бозорида кенг қатнашишларини рағбатлантириш мақсадида қатор имтиёзлар мавжуд. Масалан, мол-

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Марказий банки «Банклар ва ҳудудлар ҳамкорлиги: қишлоқлар инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида белгиланган устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Қишлоқ инфратузилмаси янада юксалади

Дарҳақиқат, қишлоқда замонавий инфраструктурани шакллантириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни кредитлашни кенгайтириш, хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, модернизациялаш, аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш масалалари тижорат банклари диққат марказида турибди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали йўллари, кредитлар, шубҳасиз, иқтисодий ўсишни таъминлашда ўзига хос каталитизаторлик вазифасини ўтамоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробардан зиёда ошди, 5,6 трлн. сўмини ташкил этди. Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, биринчи навбатда, олис ҳамда меҳнат ресурслари ортқиқа бўлган туманлардаги тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга доир 603,7 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди. Тижорат банкларининг 499,5 млрд. сўм миқдоридagi кредит маблағлари аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш мақсадидаги йўналтирилди.

Қишлоқ жойларида яқка тартибда уй-жой қуриш комплекс дастури кенг қўламда амалга ошириляпти. Унда минглаб қишлоқ оилаларини замонавий, қулай уй-жойлар билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш, пировард натижада қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали оилалар турмуш фаровонлигини юксалтириш кўзда тутилган. Барпо этилаётган ҳар бир массивда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш жойлари яратилиб, оилавий бизнес турларини кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Булар қишлоқ аҳолисининг кредит маблағларидан фойдаланишини кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Мазкур дастур доирасида 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди ва ушбу мақсадларга 1,2 млрд. АҚШ долларидан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Жорий йилда ҳам 353 та қишлоқ массиви ҳудудида 10 мингта барча қулай шартнога эга уй-жой қуриш кўзда тутилган. Бунинг учун банклар томонидан 1 трлн. 385 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб мўлжалланган.

Бундан ташқари, кейинчалик ипотека кредитларни воситасида барча вилоятларда уй-жойлар қуриш учун банклар томонидан кредит маблағлари беришни назарда тутувчи «Еш оилаларга — уй-жойлар» дастури амалга ошириляпти. Ушбу мақсадлар учун йўналтирилган инвестицион маблағлар 95,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўз муҳбиримиз

Мамлакатимизда ижодий ва интеллектуал соҳахитини рўйбга чиқариши, замон талабига жавоб берадиган шахс бўлиб вояга етиши учун ёшларга зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжумани бу борада тизимда амалга ошириляётган ишларга бағишланди.

Иқтидорлар мамлақати

Сир эмас, Ўзбекистон ёш истеъодлар мамлақати эканлиги жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Масалан, жорий йилда мусиқа йўналишидаги халқроқ танловларда бир юз ўн, спорт баҳарларида олти юздан ортиқ олтин, қумуш, бронза медаллари қўлга киритилди. Амалдаги йилнинг ўзига Ж. Саидқаримов, А. Қориева, Ж. Абдуназарова, Р. Йўлчибоев, Ф. Сайфидинов сингари ёш мусиқачиларимиз Франция ва Италияда ўтказилган халқроқ танловларда Гран-при соҳиб бўлгани сўзимиз исботидир. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида вазирлик томонидан санъат ва спорт йўналишидаги таълим масканларида ўқув-тарбиявий жараёни давр руҳи билан ҳамохан тарзда тақомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, педагог кадрларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, ёшларнинг билим ва тафаккурини кенгайтириш, маънавийатини бойитиш, уларни миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид ва зарарли гоғлар, «оммавий маданиятнинг хатарли таъсиридан ишончли тарзда ҳимоялашга оид қўллаб ижодий лойиҳа, концерт, танловлар, фестивал, спорт мусобақалари, маърифий анжуманлар, маҳорат сабоқлари мунтазам ташкил этиляпти.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» муҳбири

мақда. Эндиликда йил якунига қадар «KAFOLAT-ONLINE» (база маълумотларини бошқариш) тизимини ишлаб чиқиш ва уни ишга тушириш режалаштирилган. Компаниянинг деярли

барча филиаллари, бўлим ва агентликлари терминаллар билан таъминланган. Утган ойлар давомида жисмоний шахслардан тушган 1743 та аризага асосан 4068,0 млн. сўм суғурта турлари қопламалари тўлаб берилди. Бунда асосий тўловлар мажбурий суғурта турлари бўйича амалга оширилди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Қафолат» ДАСК томонидан «Аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини янада тақомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш, муаммо ва ечимлар» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида гапириб ўтилди. Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

«BEST GLOBE REACTOR» маъмулияти чекланган жамияти томонидан «Ishonch» газетасининг 2013 йил 19 октябрдаги №128 (3321)-сонида берилган танлов савдолари хабарномасининг 7, 8, 9, 10, 11, 12-бандидаги ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг манзилли Қоровул-бозор тумани, «Чўлқувар» МФЙ, Вуюк Ипак йўли кўчаси ҳудудида деб ўқилсин. Хизматлар лицензияланган.

Ўтганларнинг охириги обод бўлсин! Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши Самарқанд вилоят ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб уюшма қўмитаси раиси Сирожиддин Изаатуллаева пададори бузруквори НЕЪМАТ отанин вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.



си сифатида республика банк-молия тизимида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Узлуксиз ривожланишга интилиш ва юқори малакали мутахассислар жамоаси банк-мизнинг мамлакат банк секторига барқарор ўрин тутишида муҳим аҳамият касб этаётир. Бугунги кунда банк ривожланишининг янги босқичига ўтди, бу эса ушбу молия муассасасининг янада муваффақият билан фаолият юритишига ҳамда мижозларга янада янги ва қўлай имкониятлар яратилишига омил бўлмоқда.

— Банк фаолиятининг ўзига хос томонлари ҳусусида нима дея оласиз?

ланган ҳамда амалга оширилаётган қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий база асосида ишлаяпмиз. Бу эса, ўз навбатида, фаолиятимизда адекват ва муқобил механизм ҳамда инструментларни, яъни одатдаги стандарт банк хизматлари тўпламини ишлаб чиқиш имконини беради. Илғор банк технологиялари ва егилувчан тарифларни қўллаш, ҳар бир мижоз бизнеси хусусиятига индивидуал ёндашиш орқали уларнинг динамик ривожланишига эришилади. Натижада, банк бизнесининг икки стратегик йўналиши — корпоратив ва чакана бизнеснинг реал ривожланишига эришилади. Яъни, биринчи навбатда, бозор талабларига мувофиқ ва хизматлар кўрсатишнинг халқаро стандартлари доирасида мижозлар талабини қондирган ҳолда мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида хизматлар доирасини кенгайтириш ҳамда янги банк маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

Кези келганда «UTBANK»нинг бизнес кўлами бутун фаолияти давомида жуда юқори суръатларда кенгайиб борганлигини таъкидлашни истардим. Чунончи, бугунги



«UTBANK»:

Юксалиш йўлида

Ўзбекистон Республикасининг Туркия Жумҳурияти билан ҳамкорлик алоқалари барқарор давом этмоқда. «UTBANK» ушбу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодасидир.

Фаолиятини бошлаганига 20 йил тўлаётган мазкур молия муассасаси бошқаруви раиси жаноб Эржон Булут билан суҳбатимиз, аввало, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига, қалаверса, банк фаолиятига бағишланди.

— Раис жаноблари, аввало, сиз раҳбарлик қилаётган банкнинг юртимизда ўз фаолиятини бошлаганига йигирма йил тўлиши муносабати билан сизни ва жамоангизни чин юракдан табриклаймиз.

— Ташаккур. Кейинги йилларда давлатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлик ва алоқалари кенгайиб бормоқда. Мисол учун, 2012 йилда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида савдо ҳажми 1 млрд. 295 млн. АҚШ долларини, ўсиш 13 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми 26 фоизга ошди, 355,0 млн. долларга етди, импорт ҳажми эса 9 фоизга ошди, 940 млн. долларни ташкил қилди.

Бугунги кунда турк капитали билан 579 фирма ва турк инвестициялари киритилган 84 компания юртингизда фаолият юритмоқда. Ушбу компаниялар тўқимачилик, озиқ-овқат, меҳмонхона хўжалиги, фармацевтика соҳалари, шунингдек, қурилиш материаллари ва пластик маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқларида изчил фаолият олиб бораётган. Экспорт ҳисобига бир йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 300,0 млн. АҚШ долларидан кўпроқ тушум кирим қилинмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Туркияга пахта, шойи, жун, рангли металл ва бошқа хом-ашёларни экспорт қилмоқда.

Туркия Ўзбекистонни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкори деб билади. Узро йirik инвестиция лойиҳаларини яратиш ва амалга ошириш учун мамлакатларимиз жуда катта имкониятларга эга. Биз, айниқса, савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар соҳасида, қишлоқ хўжалиги, кимё, энергетика, тўқимачилик sanoati, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида алоқаларни кенгайтиришдан жуда манфаатдоримиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Туркиянинг ишбилармонлари учун Марказий Осиё ҳудудида энг мақбул республикалардан бири бўлиб қолмоқда.

— Шу ўринда «UTBANK» фаолияти ҳақида сўз юритсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди...

— «UTBANK» Туркия Жумҳуриятининг Зираат Банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкнинг тенг улушдаги сармоясини иштирокида ташкил этилган бўлиб, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган биринчи молия-кредит муассасаси



— Банкимиз мижозларга банк хизматларининг қандай янги лойиҳалари ва янги маҳсулотларини тақдир қилаётганлиги ҳақида гапирар эканман, шунинг таъкидлаш жоизки, мақсадимиз даромад олишдангина иборат бўлмай, биринчи ўринда узоқ йиллик фаолият давомида молия бозорида эришилган обрўни сақлаб қолишдан иборат. Соҳа мутахассислари маълумотларига кўра, юқори сифатли хизматлари билан банкимиз ҳар йили ривожланишнинг юқори кўрсаткичларига эришаётир. Шунинг учун биз ишончли молиявий ҳамкор сифатида бундан кейин ҳам ўз мавқеимизни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қиламиз.

Корпоратив сегментда фаол иштирок этиши билан банкимиз универсал банклар тоифасига киради. Гап корхоналарни, биринчи ўринда, ўзбек-турк қўшма корхоналари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари корхоналарини кредитлаш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ва ижросини таъминлаш тўғрисида кетмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётганимиз ва қўшма банк бўлганлигимиз боис, давлатнинг барча тижорат банклари мавқеини мустаҳкамлашга асосланган сиёсати биз учун ҳам муҳимдир. Яъни мамлакатнинг ҳар бир банкида юз бераётган жараёнга таъсир қилишнинг усуллари бевосита қўлланилмоқда. Бунинг маъноси шуки, биз Ўзбекистонда тасдиқ-

қунда банк активлари 131,6 млрд. сўмни ташкил қилади. Даромад келтирувчи активлари ҳажми 2012 йилнинг 2-choraгига нисбатан 30,16 фоизга ошди ва барча активларнинг 64,14 фоизига етмоқда. «UTBANK»нинг даромад келтирувчи активлари охишига асосан банк кредит қўйилмалари ҳажмининг 3,2 мартага кўпайиши натижасида эришилди. Шунинг қайд қилиш лозимки, кредит қўйилмаларининг 55,78 фоизи узоқ муддатли кредитлардан иборат. Банк томонидан ажратилган кредитларнинг 27,25 фоизи sanoat соҳасига, 24-96 фоизи — моддий-техника таъминоти, 16,27 фоизи — савдо ва умумий оқватлашиш, 11,46 фоизи — транспорт ва коммуникация, 3,33 фоизи — қурилиш, 2,6 фоизи — уй-жой, коммунал хизматлар ва 16,73 фоизи — иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ажратилган кредитлардир.

— Мижозларга хизмат кўрсатишни тақомиллаштириш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар нималардан иборат?

— Ўзбекистонда банклар ўртасидаги соғлом рақобатнинг кучайиши натижаси ўлароқ, мижозлар учун янгидан-янги қўлайликларни тезкор жорий этиш, жумладан, мижозларга масофадан ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасида янги «SMS-BANKING» хизматини тақомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу хизмат уяли телефон воситасида банк билан матн форматидagi SMS

хабарлари орқали масофадан ахборот хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Ушбу тизимдан фойдаланаётган мижозлар сони доимий равишда кўпайиб бормоқда.

«Интернет-банкнинг» дастурий комплекси орқали пул-ҳисоб ҳужжатларини электрон шаклдан фойдаланган ҳолда мижозларга хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга йўналтирилган ишлар давом эттирилмоқда.

Шунинг қайд қилиш лозимки, «UTBANK» «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлигининг «Барқарор» прогноз билан В2 халқаро рейтинг баҳоси ҳамда «Анбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлигининг «Барқарор» прогнози билан «uza» рейтинг баҳосига эгадир.

Банкимизга берилган ижобий рейтинг баҳолар унинг юқори обрў ва имижга эга эканлиги, корпоратив хизмат кўрсатишда муносиб ўрин эгаллаши, активлари сифатининг юқориллиги, рискин бошқариш даражаси ва ликвид ҳолатининг яхшиллиги ҳамда капиталлаштиришнинг адекватлигини акс эттиради. Худудий кенгайиш ва бизнес диверсификациясига эришишни кўзда тутувчи корпоратив бошқарув даражасининг юқориллиги ҳамда банк фаолиятини юритишда белгиланадиган аниқ стратегия «UTBANK» бизнесининг барқарор бўлишида қўшимча омилдир.

Бугун «UTBANK» — бу:

- юқори сифатли активлар;
- ликвидлик кўрсаткичларининг яхши даражаси;
- бизнеснинг асосий устувор вазифаларини белгилаш ва бозорда ўз ўрнини эгаллашга йўналтирилган банкнинг аниқ стратегияси;
- инвесторлар ва мижозлар учун маълумотлар ҳақиқийлиги ва етказилиши даражасининг яхшиллиги;
- банкнинг тажрибали менежерлар жамоаси;
- банк капиталининг яхши етарлилик даражаси;
- банкнинг ўсиб боровчи фойдалилик даражаси.

— Банкнинг яқин келажактаги стратегик мақсадларига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Сўнгги йилларда банк жадал ривожланаётган кредит муассасаси сифатида ташқи ва ички бозорда етакчи ўринларни эгаллаш учун аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият юритди. Асосий эътибор банк молиявий қудратини оширишга, мижозларга халқаро андазалар талабига жавоб берадиган турли банк хизматларини тақдир этган ҳолда олий даражада тезкор хизмат кўрсатишга, кичик ва хусусий бизнесни жадал ривожлантириш йўлидаги банкнинг хизматлари ҳажмини оширишга қаратилди.

Банк томонидан эришилаётган барча ижобий натижалар замирида жипслашган, жаҳон андазалари талаблари даражасида фаолият юрита оладиган, молия бозори қонуниятларини мукамал ўзлаштирган, иқтидорли, замонавий фикрлайдиган кадрлар тизимининг яратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Банкда олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг бош мақсади ходимларнинг малака савияси, билим даражаси, маънавияти, хизмат илҳомлари бўйича ўсиши бўлиб, амалдаги қонунларга риоя этилган ҳолда кадрлар билан ишлашнинг юқори даражаси тизимини шакллантиришдан иборат.

Банкнинг келгусидаги режаларига тўхталадиган бўлсак, асосий мақсад хизматлар сифатини янада ошириш, худудий жиҳатдан ўсиш, яъни Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа ҳудудларида банк инфратузилмаларини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Замонавий универсал, биринчи даражада ва рақобатбардош банк сифатида мамлакат банк тизимида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш банкнинг яқин келажактаги стратегик мақсади этиб белгиланган.

Суҳбатдош:  
Насиба ИСМАТОВА,  
«Ishonch» мухбири.  
Муаллиф олган суратлар



<p><b>O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</b></p> <p><b>Muassis:</b></p> <p><b>O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</b></p>	<p><b>Bosh muharrir o'rinbosari</b></p> <p><b>Zayniddin Rixsiyev</b></p> <p><b>Tahrir hay'ati:</b></p> <p><b>Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).</b></p>	<p>2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>ISSN 2010-5002</p> <p>772010500004</p> <p>Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hafta 2 bosma taboq.</p>	<p><b>Bo'limlar:</b></p> <p>Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.</p> <p><b>Viloyatdagi muxbirlar:</b></p> <p>Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.</p>	<p><b>Manzillimiz:</b></p> <p>100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy</p> <p><b>Nashr ko'rsatkichi:</b></p> <p>133</p> <p>Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.</p>	<p><b>Navbatchi muharrir:</b></p> <p><b>A. Toshev</b></p> <p><b>Navbatchi:</b></p> <p><b>N. Mahamov</b></p> <p><b>Musahhih:</b></p> <p><b>S. Shodiyeva</b></p> <p>Bosishga topshirish vaqti - 18.40 Topshirildi - 19.00</p> <p>E-mail: ishonch2012@gmail.com</p> <p>Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullilov</p> <p>«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonani muharrir: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.</p>
--	--	---	--	---	--